

**Махсулот етказиб бериш бўйича
Шартнома № 185-7-95-О'Х/2022-сон**

2022 й. 2 ноябр

Иштихон ш.

Кейинги ўринларда “Ижрочи” деб "Планета сервис"МЧЖ, Устав асосида ҳаракат қилувчи Рустамова М.М. бир томондан, кейинги ўринларда “Давлат буюртмачиси” деб аталадиган “Иштихон Давлат ўрмон хўжалиги” директори А.Муминов иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Ижрочи мазкур шартномага илова қилинаётган ва унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган тафсилотли рўйхатда белгиланган миқдорда ва муддатда суюлтирилган табиий газ(кейинги ўринларда “товар” деб юритилади) тайёрлаб, етказиб бериш мажбуриятини олади, Давлат буюртмачиси эса етказиб берилган товарлар ҳақини белгиланган муддатда тўланишини таъминлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи Давлат буюртмачиси билан келишган ҳолда товарни муддатидан олдин жўнатишга ҳақли. Муддатидан олдин етказиб берилган товар кейинги даврларда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорига киритилади.

1.3. Шартноманинг ажралмас қисми бўлган иловага мувофиқ етказиб берилаётган товарларнинг тафсилотли рўйхати.

№	Товар махсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Трактор Беларусь МТЗ-80.1	дона	1	279 800 000	279 800 000
	Жами:	х	1	279 800 000	279 800 000

2. Товарнинг бутланиши ва сифати

2.1. Етказиб берилаётган товарлар ўз сифати ва бутланиши жиҳатидан Давлат ГОСТ стандартлари талабларига жавоб бериши шарт.

3. Шартнома баҳоси ва суммаси

3.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 279 800 000(икки юз етмиш туққиз миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

4. Товарларни жўнатиш тартиби

4.1. Товарлар "Ижрочини" транспорти билан ўз ҳисобидан "Давлат буюртмачиси"нинг таркибий бўлинмаларига жўнатилади.

5. Маркировка, идишлар ва ўраш тартиби

5.1. Товарлар тегишли давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига жавоб берадиган ва ташиш ҳамда сақлаш жараёнида уларнинг сақланишини таъминлайдиганидишларга жойлаштирилиши лозим.

6. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

6.1. Етказиб берилган товарлар учун ҳисоб-китоблар қуйидаги тартибда амалга оширилади : "Давлат буюртмачиси" мазкур шартномани 20 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 25 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди. "Ижрочи" аванс маблағлари етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

7. Товарни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш тартиби

7.1. Етказиб берилган товарларни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш маҳсулотлар (товарлар)ни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7.2. Товарнинг миқдори ва сифати бўйича камчиликлари аниқланган ҳолда, қабул қилиш натижалари далолатномалар билан расмийлаштирилади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Шартнома 2022 йил "2" ноябрдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

9. Тарафларнинг мулкӣ жавобгарлиги

9.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлари бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир куни учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки

хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

9.2. Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни етказиб берганлик учун “Ижрочи” “Давлат буюртмачиси”га сифати лозим даражада бўлмаган товар қиймати-нинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

9.3. “Давлат буюртмачиси” етказиб берилган товарлар учун тўловни кечиктирилганлик учун тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун қарз суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин тўлови кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

9.4. Шартномада белгиланган муддатда товарларни танлаб олмаганлик ёки шартномада белгиланган муддатда етказиб берилган товарларни қабул қилишни асоссиз рад этганлик учун “Давлат буюртмачиси” “Ижрочи”га танлаб олинмаган товарлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

9.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

10. Коррупцияга қарши шарт

10.1. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

10.2. Томонда ушбу Шартноманинг 10.1.-бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

11. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

11.1. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

11.2. Шартнома фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

12. Форс-мажор шартлари

12.1. Тарафларнинг бирортаси чам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг ерки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (форс-мажор): табиий офатлар, уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, қамал ҳолати, экспорт ёки импорт операцияларини ҳукумат томонидан таъқиқланиши билан боғлиқ ҳолда бажарилмаганликлар учун жавобгар бўлмайди. Форс-мажор ҳолат бошланганлиги ва тугалланганлиги тўғрисида ваколатли орган томонидан берилган ҳужжатга асосан бир тараф иккинчи тарафни зудлик билан ёзма равишда огоҳлантиради.

13. Қўшимча шартлар

13.1. Шартнома **икки нусхада** тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга деб ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

13.2. Ушбу шартномани бажариш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

13.3. Низоларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар низоларни судгача ҳал қилишнинг қонунида белгиланган тартибига риоя қилган ҳолда, талабнома билдиргандан сўнг ун беш кун ўтгач, низони ҳал қилиш учун иктисодий судига топширадилар.

13.4. Мазкур икки нусхада тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ҳазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, қонуний кучга киради.

13. Тарафларнинг реквизитлари:

ИЖРОЧИ:

“Планета сервис” МЧЖ

Ҳисоб-китоб рақами
20208000104291720001

Траст банк, банк коди

МФО:01098

СТИР204256528,

Окпо:18721941

Окед:46690

Раҳбар: _____ **Рустамова М.М**



ДАВЛАТ БУЮРТМАЧИСИ:

Иштихон Давлат ўрмон хўжалиги

Манзил: Иштихон тумани “Кутарма”
м-си

Тел./факс 98-170-76-70

ШҒХ- 100021860182127042203142001

Ташкилотнинг СТИРи: 308733750

ИФУТ: 31100

Ҳазначилик бўлинмасининг номи:

Иштихон тумани бўйича Ҳазначилик
бўлинмаси

ЯҒҲ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг

Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО: 00014 Ҳазначилик

бўлинмасининг СТИРи: 201122919

Раҳбар: _____ **А.Муминов**



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

MT1574357116

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **MAHSULOT ETKAZIB BERISH ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "ISHTIXON DAVLAT O'RMON XO'JALIGI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 07.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Ishtixon tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



T.M.KAXXAROV

07.11.2022

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida.

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyekti sifatida davlat ro'yxatiga

"PLANETA SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Tadbirkorlik subyekti sifatida davlat ro'yxatiga o'tkazilganligi to'g'risida)

"PLANETA SERVIS" MChJ

(Tadbirkorlik subyekti sifatida davlat ro'yxatiga o'tkazilganligi to'g'risida)

Tashkil etish (qayta tashkil etish) hishoga ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarni o'zgartirish

20.06.2005

04-0000734

ro'yxat raqami yozuvi kiritilganligi tasdiqlanadi

Davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

204956528

Tashkiliy-huquqiy shaxs

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Juyilashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, M'ULUG'BEK KO'CHASI 54-A-A-UY.

Guvohnoma

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT

XIZMATLARI MARKAZI

kurumidan berilgan

(Davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida)

